

**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI OLIY VA O‘RTA MAXSUS
TA’LIM VAZIRLIGI**

URGANCH DAVLAT UNIVERSITETI

ILM SARCHASHMALARI

Jurnal O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasi huzuridagi Oliy attestatsiya komissiyasining FILOLOGIYA, FALSAFA, FIZIKA-MATEMATIKA hamda PEDAGOGIKA fanlari bo‘yicha doktorlik dissertatsiyalari asosiy ilmiy natijalarini chop etish tavsiya etilgan ilmiy nashrdir.

5.2021

**научно-теоритический методический журнал
Издаётся с 2001 года**

Urganch – 2021

“ILM SARCHASHMALARI” ilmiy-nazariy, metodik jurnal

Bosh muharrir dotsent **Ro‘zimboy YO‘LDOSHEV**

	TAHRIR HAY’ATI:
JURNAL 2001-YILDAN CHIQA BOSHLAGAN	ABDULLAYEV Bahrom, fizika-matematika fanlari doktori, ABDULLAYEV Ikrom, biologiya fanlari doktori, professor, ABDULLAYEV Ilyos, iqtisod fanlari doktori, ABDULLAYEV Ravshanbek, tibbiyot fanlari doktori, professor, ABDULLAYEV O‘tkir, tarix fanlari doktori, ANNAMURATOVA Svetlana, pedagogika fanlari doktori, professor, BERDIMUROTOVA Alima, falsafa fanlari doktori, professor, DAVLETOV Sanjarbek, tarix fanlari doktori, DO‘SCHONOV Tangribergan, iqtisod fanlari doktori, professor, ERMETOVA Jamila, filologiya fanlari nomzodi, dotsent, HAJIYEVA Maqsuda, falsafa fanlari doktori, IBRAGIMOV Zafar, fizika-matematika fanlari nomzodi, IMOMQULOV Sevdior, fizika-matematika fanlari doktori, JO‘RAYEV Mamatqul, filologiya fanlari doktori, professor, JUMANIYAZOV Maqsud, texnika fanlari doktori, professor, JUMANIYOZOV Otaboy, filologiya fanlari nomzodi, professor, KALANDAROV Aybek, filologiya fanlari bo‘yicha falsafa doktori (mas’ul kotib), NAVRUZOV Qurolboy, fizika-matematika fanlari doktori, professor, OLLAMOV Yarash, yuriduk fanlari nomzodi, dotsent, OTAMURODOV Sa’dulla, falsafa fanlari doktori, professor, PRIMOV Azamat, filologiya fanlari nomzodi, dotsent, QUTLIYEV Uchqun, fizika-matematika fanlari doktori, professor, RO‘ZIMBOYEV Safarboy, filologiya fanlari doktori, professor, RO‘ZIYEV Erkinboy, pedagogika fanlari doktori, professor, SADULLAYEV Azimboy, fizika-matematika fanlari doktori, akademik, SADULLAYEVA Nilufar Azimovna, filologiya fanlari doktori, SAGDULLAYEV Anatoliy, tarix fanlari doktori, professor, SALAYEV San’atbek, iqtisod fanlari doktori, professor, SALAYEVA Muxabbat Soburovna, pedagogika fanlari doktori, SATIPOV G‘oipnazar, qishloq xo‘jalik fanlari doktori, professor, XODJANIYOZOV Sardor, pedagogika fanlari nomzodi, dotsent (bosh muharrir o‘rinbosari), YOQUBOV Jamoliddin, filologiya fanlari doktori, professor, O‘ROZBOYEV Abdulla, filologiya fanlari doktori, O‘ROZBOYEV G‘ayrat, fizika-matematika fanlari doktori, G‘AYIPOV Dilshod, filologiya fanlari nomzodi, dotsent.
JURNAL OYDA BIR MARTA NASHR QILINADI	
2021 5(167)	

MUASSIS: Urganch davlat universiteti. Jurnal O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Administratsiyasi huzuridagi Axborot va ommaviy kommunikatsiyala agentligida 2020-yil 11-noyabrda ro‘yxatdan o‘tgan. **GUVOHNOMA № 1131.**

MUNDARIJA

FIZIKA-MATEMATIKA

Саидов Амин Сафарбаевич, Усмонов Шукрулло Негматович, Асатова Умида Пулатовна, Жоббаров Жўрабек Жуманазар ўғли, Исмаилов Шавкат Кузиевич. Нанокристаллические структуры в полупроводниковых твердых растворах $(\text{GaAs})_{1-x}(\text{ZnSe})_x$ и $\text{Ge}_{1-y}\text{Sn}_y$	3
Khayitova Khilola. Spectrum and Resolvent of the Friedrichs Model with Rank 3 Perturbation.....	7
Seytov Shavkat Jumaboyevich, Obidjonov Islombek Nuriddinxo'ja o'g'li. Coexistence Chaotic Behaviors on the Evolution of Populations of the Biological Systems Modeling by Three Dimensional Quadratic Mappings.....	14
Rakhimov Ilkham Davronbekovich. A Generalized (G'/G) – Expansion Method for the Non-Linear Schrodinger Equation with Self Consistent Sources.....	18
Абидов Одилжон Салахович. Фазовий тасаввурни ривожлантиришда чизма геометриядан масалалар ечишнинг ўрни.....	24

FALSAFA

Мухаммадиева Олия Нарзуллаевна. Оилавий муносабатларнинг барпо этилишида томонларнинг алоҳида роли, шарқона қарашлар ва урф-одатлар нигоҳида.....	27
Ибрагимова Найира Анваровна. Экологик ҳавфсизликни таъминлашнинг ижтимоий-фалсафий таҳлили.....	30
Жураев Бобомурод Тожиевич. Сомонийлар даври мутафаккирларининг фалсафий-ижтимоий қарашларида таълим ва тарбия масалалари.....	33
Karimova Dilfuza Abduqayumovna. Yoshlarning zamonaviy madaniy qiyofasini shakllantirish masalalari.....	37

TILSHUNOSLIK

Эгамназарова Дурдона Шухратиллаевна. Экспрессивлик категориясининг ёндаш ҳодисалар билан алоқаси масалалари.....	40
Атаджанова Нодирабегим Насимхўжа қизи. Ижтимоий гуруҳга мансублик феномени – тилшунос-лик объекти сифатида.....	45
Жумаев Турсунали. Фонетик реликтивлик ва унинг ўрганилиши масаласи.....	50
Umirzakov Qodirjon Toyirjonovich, Yusupov Odiljon Rasulovich. Kompyuter lingvistikasi va internet tar- mog'ida tilshunoslikning o'rni va roli.....	54
Мухтарова Шахноза Файзуллаевна. Родовые отношения слов (гипонимии).....	57
Мусурманкулова Мадина Носировна. Формирование сопоставительно-диалектологической компетенции.....	60

ADABIYOTSHUNOSLIK

Sabirova Zebo Zokirovna. Ramziy-poetik obrazning badiiy-estetik yangilanishi.....	66
Турдиев Жаҳонгир Зафариддин ўғли. “Меърожнома” асарининг Истанбул нусхаси ва унинг матн компонентлари.....	70
Ҳакимжонова Раъно. Заҳириддин Муҳаммад Бобур лирикасида ижтимоий мотивлар.....	73
Искандарова Нодира Баҳромбековна. Қиёсий адабиётшунослик тизимида таржима.....	76
Гадоева Мавлюда Ибрагимовна. Алишер Навоий ғазалларининг инглизча ва русча таржимасида соматизмларнинг ифодаланиши.....	80

PEDAGOGIKA

Ахмадов Олимжон Шодмонович. Бухоро амирлигида янги усул мактаблари фаолияти. Ютуқлари ва муаммолар.....	85
Қодиров Олим Одилович. Умумтаълим мактаблари инглиз тили дарсларида тил кўникмаларини ривожлантириш.....	88
Қаршиева Дилбар Эшпўлатовна. Малакавий амалиёт педагогик касбий компетенцияларни шакл-лантириш омили сифатида.....	92
Polvonov Xudaybergan, Eshchanov Erkabay, Ataniyazov Otaniyoz. Organik kimyo kursining “alkenlar” mavzusini o'qitishda grafik organayzerlardan foydalanish.....	95
Ахмедова Махлиё Тоштемировна. Она тилини ўқитишда сўзларни образли ифодалашнинг билиш жараёнидаги тавсифи хусусида.....	99

Abdullayeva Surayyo Babojonovna. Boshlang'ich ta'lim o'quvchilarining kitobxonlik salohiyatini oshirishda nasriy asarlarni o'qitish usullarining o'rni.....	103
Мусурмонова Шахло Илхомовна. Бошланғич синф ўқувчиларига экологик тарбия беришда миллий кадриятларнинг ўрни.....	107
Халмухамедова Махбуба Аслановна. Талабаларда нақшбандия тариқати воситасида касбий компетентликни ўқув жараёнида такомиллаштириш технологиясининг ўрни.....	109
Абдиримова Интизор Комиловна. Лойиҳалаш фаолиятининг ташкилий усул ва воситалари.....	112
Турсунова Шахноза Бердикуловна. Методы и игры в преподавании русского языка.....	115
Рахматова Саодат Амракуловна. Компетентный подход обучения иностранным языкам на психолингвистической основе.....	118
Абдуллаева Розанна Мирзатуллаевна. Аспекты профессионально-ориентированного подхода к обучению русскому языку в медицинском вузе.....	120
Юсупова Татьяна Эдуардовна, Ахмедов Бахтиёр Юсупович. О видах компетенций, формирующих при обучении студентов русскому языку навыки и умения профессионального речевого общения.....	123
Atajonova Malohat Ilkhamovna, Mirzayeva Lola Shermat qizi, Ortiqboeva Sabohat Qudratovna. Improving Communicative Language Skills through Role Playing Activity.....	125
Kadirova Feruza Xikmatullaevna. The Usage of Web Technologies as Social Network (Facebook) in Teaching a Foreign Language to Adults.....	128
Atadjanova Muxayyoxon Axmadjonovna. Integrated Approaches of Teaching Writing in English Lessons.....	131

JURNALISTIKA

Дадаханова Марғуба. Ўзбекистонда худудий телеканалларнинг ташкил қилиниши.....	134
---	-----

ILMIY AXBOROT

Исамутдинов Равшан Рахмонович. “Хавфсиз маҳалла” концепциясини жорий қилишда “хавфсиз кўча” мезонининг ўрни ва роли.....	138
Jumaniyazov Atabay, Xodjayeva Gulshod Baxadirovna. “Onlayn” so‘zi tavsifi.....	143
Babajanova Umida Bahadirovna. Ingliz tilida tibbiy atamalar qo‘llanilishining o‘ziga xosligi.....	146
Жўраева Рамзия. Муқимий асарларида қўлланган “тил” лексемасининг семантик хусусиятлари.....	148
Асронова Мохигул Мусабоевна. Ўзбек ва инглиз сиёсий нутқларида паремияларнинг когнитив-дискурсив хусусиятлари.....	151
Hamroyeva Maftuna Rasulovna. Antroponimlarning badiiyati.....	154
Раджапова Феруза Абдуллаевна. Сухбатларда ижодкор адабий қарашлари.....	157
Nematova Nargiza Azimovna. Tarjimashunoslikda Mark Tven asarlarining o‘ziga xos xususiyatlari.....	159
Xudorberdieva Gulasal Shuxratovna, Adilova Shaxnoza Rahimovna. Joan Roulingning asarlaridagi sehrli olamning dinamikasi.....	162
Сайидова Гулрух. Ўзбек шоирлари ижодида ўхшатишларнинг ўрни.....	164
Qo‘chqorova Mahina Xojimurodovna. Xudoyberdi To‘xtaboyev uslubining namoyon bo‘lishida folklorning o‘rni.....	167
Пирназарова Манзура. Омон Матжон шеърятига доир.....	169
Normurodov Oybek Berdimurod o‘g‘li. Usmon Azim ijodida ijroviy lirikaning o‘rni.....	172
Атажанов Сарвар. Эркин Самандар шеърятига стилизация усули.....	175
Ражабов Фахриддин Тошпўлотович. Нуроталик тожикзабон ижодкорлар ҳақида мулоҳазалар.....	179
Гудзина Виктория Анатольевна. Образ узбекской женщины в лирической системе Зульфийи.....	183
Тоирова Дилфуза Файзуллаевна. Аспекты взглядов Стендаля в произведениях о «Свободе и счастье».....	186
Zamilova Rimma Ramilevna. Features of the Development of Students' Mental Activity in the Educational Process.....	188
Zokirova Shirin Irgashevna. Methods of Teaching Technical Terms in English.....	191

TANQID VA TAQRIZ

Исмаилов Исҳақжон. Арузга қайтиш. Ютуқ ва камчиликлар.....	194
---	-----

FANIMIZ ZAHMATKASHLARI

Илҳом Атажанов – 60 ёшда!	197
--	-----

yosh soyasi, farrosh shamol, muazzin xazon, ibodat qilayotgan yaproqlar), qofiyalarning o'zgachaligi (o'tolmaydi – o't olmaydi, keladi – elagi, ko'tarsa – o't(ar)sa), so'z va shalk uyg'uligi ("Geometrik bahor"); o'ziga va butun insoniyatga aloqador tushunchalarni yangicha obrazlar bilan keltirishi shoirning o'ziga xos bo'lgan uslubidir.

*hindlar aytmoqchi
daryolar o'z suvin ichmasa hamki
daraxtlar o'z mevasin yemasa hamki
so'z so'zni yesa
hatto shoirni ham yesa o'sha so'z* (Faxriyor. Izlam. 170-bet)

Gulzorda gullarning tarovati, bo'yi turfa xildir. Ularni hidlab, qaysi gul ekanligini ayta olamiz. Shoir va uning she'ri ham xuddi shunday: shoirilar ko'p, ammo so'zning, uslubning, ma'noning, fikr va tuyg'uning takrorlanmasligi bilan she'r shoiriga o'xshaydi. Alohida qiyofa kasb etadi. Yaxshi she'r esa ma'naviy xazinadir. She'r insonning ruhini tarbiyalaydi, unga ozuqa beradi, zero, uning o'zi ruhdan o'sib chiqqan...

She'riy tafakkur mohiyatiga nazar soladigan bo'lsak, u ijodkor tomonidan qayta idrok etiladi, so'z orqali turli ma'no tovlanishlari kasb etadi, yuksaladi. Badiiy kontekstda so'z obrazga aylanar ekan, uning ko'chma ma'nolari, so'zning so'z bilan o'zaro munosabati orqali o'zgacha qiyofa kasb etadi. Poetik obraz taraqqiyotini kuzatsangiz, u o'zida ijtimoiy taraqqiyot bosqichlari, ma'naviy-adabiy, ruhoniylar tafakkur ehtiyojlari bilan uyg'unlikka kirishadi. Faxriyor ijodida ham ayni an'anaviy hamda poetik obrazlar badiiy-estetik tafakkur mahsuli sifatida shoirning poetik g'oyasini, emotsiyasini she'rxonga go'zal ifodalarda etkazib bera olgan. Bu esa shoirning istiqbol davri o'zbek she'riyatini obraz turfaligi bilan boyitib, poetik obrazning inson va voqelikni badiiy o'zlashtirishga ko'mak bera olganligidan dalolatdir.

Турдиев Жаҳонгир Зафариддин ўғли (Тошкент Давлат Ўзбек тили ва адабиёти университети Адабий манбашунослик ва матншунослик кафедраси таянч докторанти; e-mail: jahongirshoh15@mail.ru)
“МЕЪРОЖНОМА” АСАРИНИНГ ИСТАНБУЛ НУСХАСИ ВА УНИНГ МАТН КОМПОНЕНТЛАРИ

Аннотация. Мазкур мақола туркий тилдаги “Меърожнома” асарининг Истанбул нусхаси ва унинг матн компонентларига бағишланган. Ундаги компонентлар матншунослик нуқтаи назаридан таҳлил этилган. “Меърож” Аллоҳ таоло сўнги пайғамбари Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламни Қуддуси шарифдан юқорига, яъни Ўзининг ҳузурига кўтаришидир. Шу ҳодисага бағишлаб ёзилган асарлар “Меърожнома” деб аталади. Бунинг сингари асарлар, дастлаб, араб адабиётида яратилди. Кейинчалик. форс ва туркий адабиётда ҳам “Меърожнома”лар мустақил асар сифатида шакллана борди.

Аннотация. Статья посвящена изучению Стамбульской рукописной копии произведения «Мираджнаме» и ее текстовых компонентов. Его компоненты анализируются с текстологической точки зрения. «Мирадж» – это вознесение последнего Пророка Мухаммада (мир ему и благословение Аллаха) из Иерусалима в небеса к Аллаху. Произведения, посвященные этому событию, называются «Мираджнаме». Подобные произведения изначально были созданы в арабской литературе. Позднее в персидской и тюркской литературе «Мираджнаме» сложилось как самостоятельное произведение.

Annotation. This article is dedicated to the study of the Istanbul manuscript copy of “Mirajnama” and its textual components. Its components are analyzed from a textological point of view. “Meraj” is the ascension of the last Prophet Muhammad (peace and blessings of Allah be upon him) from Jerusalem to heaven to Allah. The works dedicated to this event are called “Mirajnama”. Such works were originally created in Arabic literature. Later in Persian and Turkic literature, Mirajnama was formed as an independent work.

Калим сўзлар: компонент, қўлёзма, Меърожнома, матншунослик тадқиқи, таржима, хат-тотлик.

Ключевые слова: компонент, рукопись, Мираджнаме, текстологический анализ, перевод, каллиграфия.

Key words: component, manuscript, Mirajnama, textual analysis, translation, calligraphy.

Тасаввуф адабиётида Пайғамбаримиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг Меърож-га кўтарилишлари баён этилиб, шу ҳодисага бағишлаб ёзилган асарлар меърожнома деб аталади. Ислом дини тарихида алоҳида аҳамият касб этган ушбу воқеа ёритилган асарлардан бири “Меърожнома” бўлиб, унинг туркий тилдаги бир неча нусхалари кунимизгача етиб келган.

Маълумки, қўлёзма қанчалик қадимий бўлса, унинг кадри шунчалик юқори бўлади. Туркий “Меърожнома” асарининг араб ёзувида битилган қўҳна қўлёзмаларидан бири ҳозирги кунда Истанбулдаги Сулаймония кутубхонасининг Фотиҳ фондида 2848-рақами остида сақланмоқда. Ушбу қўлёзма 1b-12b саҳифалари “Меърожнома”, 14–153-саҳифалари эса Фаридиддин Атторнинг “Тазкират ул-авлиё” асарларини ўз ичига олади. Бу нусха ҳижрий 917 йил ражаб ойининг 20 санасида (мелодий 1511 йилнинг 13 октябрида) Мисрда Нуриддин Али бин Кичкина Саййид Али ат-Талиқоний томонидан ўқилиши қулай бўлган настаълиқ хатида кўчирилган. Бу ҳақда қўлёзма тарихида шундай битилган: “Tarix toquz yüz on yetidä rahmat ayünin yigimisiä Nuriddin Ali bin Kiçkina Sayyid Ali at-Taliqāniy bitidi” (Тарих 917 да раҳмат ойининг йигирмасида Мисрда Нуриддин бин Али бин Кичкина Саййид Али ат-Талиқоний ёзди).¹ “Меърожнома” қисмининг биринчи ва охири саҳифаларидан ташқари, барча саҳифалари 15 сатрдан иборат бўлиб, ўлчами 29.5x20 см, жилди рангли қалин қоғозда. Асар араб ёзувининг настаълиқ хат турида кўчирилган бўлиб, хаттот Куръон оятлари, ҳадис ҳамда дуоларни, шунингдек, Тангри, Муҳаммад, Расул, Абу Бакр, Умар, Усмон, Али ва яна баъзи сўзларни тилла рангли ва қизил сиёҳда ёзган. Ушбу қўлёзма Мисрда кўчирилган араб ёзуви, туркий тил ва адабиётини ўрганишда қимматли ва нодир ёзма ёдгорликларидан бири ҳисобланади.

Туркий «Меърожнома»нинг араб ёзуви Истанбул нусхаси муқаддима, сўнгги пайғамбар Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг меърожга чиқишлари, жаннат билан дўзах саёҳати, фаришта Жаброил алайҳиссалом қанотига миниб Қоф тоғига чиқиб шу ерда яшаган пайғамбар Мусо алайҳиссалом умматларига насиҳат бериш қисмларига бўлинади.

Истанбул нусхасида сарлавҳа қўйилмаган. Аммо асарнинг биринчи саҳифасида сарлавҳани ёзиш учун махсус жой қолдирилган. Бизнингча, хаттот шарқ қўлёзмаларини ёзиш анъаналарига мувофиқ сарлавҳани бошқа хат турида битишни режалаштирган.²

«Меърожнома» асари муқаддимаси мухтасар бўлиб, мазкур муқаддима ҳам Ислом оламида яратилган асарлар анъанасига мувофиқ Аллоҳга ҳамд билан бошланади: «*Šukr va sepa va satāyīš Ūl qādīr, lam yazal ōn sakiz miñ ālāmni yaratqan, tūrātқан, munazze’, bir-ū bār, erklik Tāñri ta’ālāqa jalla jalālahu va tuqaddisu ismahu huva va la ilāha ġayri.*»³ («Шукр ва ҳамд ул мангу қодир, ўн саккиз минг оламини яратган, тартибга келтирган ва уларни неъматлантирган, биру бор ҳукмдор, Ундан ўзга илоҳ бўлмаган Тангри таолога (буюклиги юксалсин ва исмлари муқаддас бўлсин»).

Асарнинг ҳамд қисмига эътибор берсак, Аллоҳнинг сифатлари баён қилинаркан, уларни ифодалашда арабча сўзлар билан бир қаторда, туркий сўзлар қўлланганини кўришимиз мумкин. Дастлаб, арабча сўзларда «*qādīr*» ва «*lam yazal*» сифатлари келган. Шундан сўнг туркий сўзлар истифода этилиб Аллоҳ сифатлари «*ōn sakiz miñ ālāmni yaratqan*» (Ўн саккиз минг оламини яратган), «*tūrātқан*» (яратган), сўнггра арабча «*munazze*», кейин яна туркий «*bir-ū bār*» (якка-ю ягона, воҳид) ва «*erklik*» (эркли, кодир) тарзида баён қилинган. Ҳамд сўнгида арабча сўзлар ишлатилган. Дастлаб ҳамд қисмида келган «*Tāñri*» сўзи ҳам туркий сўз бўлиб, матннинг асосий қисмида ҳам таржимон айна сўзни қўллайди.

Шундан сўнг Аллоҳнинг сўнгги пайғамбари Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламга саловат, дуруд-у саломлар ва ул зотнинг аҳли байти, саҳобаларига раҳматлар йўлланган: «*Yānā yüz miñ salāvat-u tahiyyat Tāñri ta’ālāniñ habibi yüz yigirma tört miñ payğambarniñ sarvari Muhammad rasulullāhniñ jāniqa teksün, üküš rahmat rasuli alayhissallamniñ avlādi bila ċāryāriqa teksün. Rizvanallah alayhim ajma’in.*»⁴ («Яна юз минг салават ва таҳийят Тангри таолонинг ҳабиби, юз йигирма тўрт минг пайғамбарнинг сардори Муҳаммад расулуллоҳнинг руҳига етсин. Кўндан-кўн раҳмат расул алайҳиссаломнинг авлоди билан аҳли байтига етсин. Уларнинг барчасидан Аллоҳ рози бўлсин»).

¹ Sertkaya Osman Fikri. İslami Devrenin Uygur Harfli Eserlerine Toplu Bir Bakış. Boçum. 1977, 12-bet.

² Нуриддин Али ат-Талиқоний. Меърожнома. 2848 рақамли қўлёзма. Миср, 1511, 1-бет.

³ Шу манба.

⁴ Шу манба.

Ҳамд ва нат қисмидан сўнг келадиган қуйидаги жумлалардан асарнинг номини ва туркийга ўгиришдан кўзланган мақсадни билиб олишимиз мумкин:

«Emdi bilgil-kim, bu kitabniñ atı “Merajnama» türür. “Nahjul-faradis» atlıq kitabdın türk tiligä evürdük. Köp kişilärgä fayda teksün tep, Täñri ta’äläniñ tavfiqı birlä tamām bitilib, xalāyiqniñ köñli közigä širin körüngäy».¹ («Энди билгинки, бу китобнинг номи «Меърожнома»дир. «Нахж ул-фародис» номли китобдан туркий тилга ўгирдик. Кўп кишиларга фойдаси тегсин деб. Тангри таоло-нинг тавфиқи билан ёзилиб халқнинг кўнгил кўзига ширин кўрингай).

Таржимон айтиб ўтганидек, бу китоб номи «Меърожнома» бўлиб, кўп кишиларга яъни, оммага фойдаси тегиши учун «Нахж ул-фародис» номли китобдан туркийга ўгирилган. «Нахж ул-фародис» китоби номининг маъноси асар сўнггида берилган қуйидаги жумладан билиш мумкин:

*Bu kitabkă “Nahj ul-faradis” deyü ism qilindı, ma’nisı uçmaqlarnıñ açuq yolı temäk olur.*²

Асар омма ўқиши учун таржима қилинган экан, у халққа тушунарли ва раван тилда бўлиши талаб этилади. Асарни туркийга ўгиришда таржимон ана шу нарсага катта этибор берган.

Турколог Я.Экманн “Меърожнома”да тилга олинган “Нахж ул-фародис” тили форсча эканлигини тахмин қилган ва қуйидаги фикрларни билдирган: “Мен бу ерда баҳс мавзуси бўлган “Нахж ул-фародис”ни икки нуктага асосланиб, форсча эканлигини тахмин қилмоқчиман: 1) Паве де Куртейл томонида нашр қилинган “Мерожнома”да асар номининг биринчи қисми ҳаракатли бўлиб *جہ “наҳаж”* шаклида берилганки, бу – Vullers луғатига кўра – сўзнинг форсча талаффузидир; 2) “Меърожнома”да асл меърож фаслидан кейин Жаннат ва дўзах саёҳати бўлимининг бошида, *İmam Bağavî rahmatu’llahî alayhi Masabih atlik kitabında bü hâdisni keltirmiş türür* жумласидан сўнг арабча ҳадис ўрнига *“farsi bitildi”* (“форсча ёзилди”) қайди, шундан сўнг эса ҳадиснинг туркий таржимаси бордир. Бу қайддан шундай маъно чиқариш мумкин: “Меърожнома” таржима қилинган “Нахж ул-фародис” форсча ёзилган, балки, арабчадан таржима қилингандир. Туркий му-таржим ҳам бу ҳадиснинг форсчасини келтиришни лозим деб топмай, “форсча ёзилди” қайдини келтириб қисқартирган. Асар арабча бўлганида бу жумла ҳеч бир маъно ифода этмасди.³

Юқорида айтилганидек, асар бошида саҳоба имом Бағави раҳматуллоҳу алайҳнинг «Масобиҳ» номли китобидан араб тилидаги ҳадис келтирилган.

«Anas ibn Mālik Rasul alayhissalāmdin rivāyat qilürkim, Jabrāil Me’rāj tünindä kelib meniñ üçün bir Burāq keltürdi. Eyarlik, yüganlik. Rasul alayhissallām Burāqqa minayin tesa Burāq qöymas erdi. Jabrāil äytti: ya Burāq Muhammaddin azizrāq senga Täñri ta’älä dargāhida heç kimersa minmädi teb tedi. Ersa Burāq terlāb teri āqā bāšlādi».⁴

Мазкур ҳадис билан биринчи бўлим бошланади. Бу бўлимда Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг Буроқ номли бир жониворга миниб, меърожга чиқишлари, етти қават осмон ҳамда у ердаги фаришталарнинг тавсифи, ҳар бир қават осмон оралиқларида ўзларидан олдинги ўтган йирик пайғамбарлар билан мулоқотда бўлганликлари, Сидрот ул-мунтаҳога етганликлари, беш вақт намознинг фарз қилингани содда ва раван тилда баён қилинган:

«İkkinçi qat kökkä yettük... Yänä äntin āšib ikki kişi kördüm. Bülär kim türür teb sördüm. Jabrāil äytti: Biri Yaxyā payğambar, birisi Zakariyā payğambar türür teb. Alarqa salām qildim. Älär äyttilär: Ya Muhammad, xuš keldüñ, kök elini mušarraḡ qıldiñ. Täñri ta’äläniñ suyrğālī qutluq bölsün teb».

Дастлабки бўлим «*Antin söñrā arš üzä çiqib Täñri ta’äläqa sajda qilib hamd-u sanā äyttim. Taqı qayttim*».⁵ (Шундан сўнг ариға чиқиб Тангри таолога сажда қилиб, ҳамд-у сано айтдим. Кейин қайтдим) жумлалари билан ўз ниҳоясига етади.

Иккинчи бўлим «*Emdi yänä rasul alayhis-salamniñ uçmāq tamuqni tafarruj qilğānñ bāyān qılalī. İmām Bağavî rahmatullāhi alayhi Masabih atlıq kitabında bü hadisni keltirmiş türür*». («Энди яна расул алайҳис-саломининг жаннат билан дўзахни томоша қилганини баён қилайлик. Имом Бағавий раҳматуллоҳи алайҳи “Масобиҳ” номли китобида бу ҳадисни келтиради) деган жумлалар билан бошланган ва бирдан ҳадиснинг туркий таржимаси келтирилган. Бўлим «*Ya Muhammad sen uluq köñgöl tütünmağil. Uluq köñül tutğan kişini sevmäsman*» жумлалари билан якунига етади. Бу қисмда

¹ Шу манба.

² Содиқов Қосимжон. Туркий ёзма ёдгорликлар тили: адабий тилнинг юзага келиши ва тикланиши. Т., 2006, 216-бет.

³ Eckmann Janos. Harezmi, kıpçak ve çağatay türkçesi üzerine araştırmalar. Ankara, 2003, 47–48-betlar.

⁴ Нуриддин Али ат-Талиқоний. 2-бет.

⁵ Шу манба. 8-бет.

Муҳаммад соллаллоху алайҳи васалламнинг жаннат билан дўзах саёҳати, жаннат манзаралари тавсифи, дўзах манзаралари тавсифи, фаришта Жаброил алайҳиссалом билан Кавсар ҳовузига борганликлари каби воқеалар баён қилинган.

Сўнгги учинчи бўлим «*Āntin sōnrā Jabrāil meni qanāti üzä mindürüb Qāf tāğīqa keltürdi. Qāf tāğini kördüm*» жумлалари билан бошланади. Бу бўлим Муҳаммад соллаллоху алайҳи васалламнинг Жаброил алайҳиссалом қанотига миниб Қоф тоғини ҳамда бу тоғда Жабалисо ва Жабалиқо номли икки шаҳарни кўрганликлари, шу ерда яшаган пайғамбар Мусо алайҳиссалом умматлари билан суҳбатлашгани ва уларга насиҳат беришлари билан ниҳоясига етади.

Сўнгги бўлим «*Tāñri ta'ālā bar'āqa yaqšiliq tā'at tavfiqini bersün, taqī tamuq azabidin āzad qilib uştaq ravza qilsun. Amin, ya Rābbil a'lamin*» жумлалари билан якунланади.

«Меърожнома»нинг муқаддимасида келган жумлалар ҳамда асар матнининг ниҳоятда содда ва халқчил тилда битилганлиги асарни туркий тилга ўгирилиш сабабини кўрсатади. «Меърожнома»ни туркий тилга ўгиришдан асосий мақсад – оддий аҳоли ҳам асарни ўз тилларида ўқиб тушунишлари ва улар учун фойдали бўлиши кўзланган.

Туркий тилдаги «Меърожнома» асари ва унда бадий воситаларнинг ишлатилиши ўзбек адабиётини узоқ тарихга эгаллигини кўрсатади.

Нодир дурдоналардан бўлган «Меърожнома» асарининг араб ёзуви қўлёзмаси ҳам ўзига хос тарздаги одоби таснифда ёзилганлиги эътиборга лойиқ.

Туркий тилдаги «Меърожнома»нинг Истанбул нусхаси ўзбек матншунослиги тили, адабиёти ва ўзбек китобатчилиқ санъатини ўрганишда нодир ёзма обидалардан биридир.

**Ҳақимжонова Раъно (Алишер Навоий номидаги
Тошкент Давлат Ўзбек тили ва адабиёти университети ўқитувчиси)
ЗАҲИРИДДИН МУҲАММАД БОБУР ЛИРИКАСИДА ИЖТИМОЙ МОТИВЛАР**

Аннотация. Ушбу мақола Заҳириддин Муҳаммад Бобур шеърлятидаги ижтимоий мотивларни ўрганишга бағишланган. Ўз навбатида, муаллиф ижтимоий мотивларни Бобур ижодидаги аҳамиятига таяниб таснифлаган.

Аннотация. Данная статья посвящена исследованию социальных мотивов, встречающихся в поэзии Захириддина Мухаммада Бабура. Автор, в свою очередь, классифицирует социальные мотивы, опираясь на значимость социальных тем в творчестве Бабура.

Annotation. The article is dedicated to the study of social motives found in the poetry of Zahiriddin Muhammad Babur. Motives are also classified based on the importance of social motives in Babur's work.

Калим сўзлар: мотив, анъанавийлик, девон адабиёти, ижтимоийлик, соф санъат, рубоий, ғазал.

Ключевые слова: мотив, традиция, жанр дивана, социальность, чистое искусство, рубаи, газель.

Keywords: motif, tradition, traditionality, divan literature, sociality, pure art, rubai, gazelle.

Бобур нафақат тарих саҳнасида, балки шеърят майдонига ҳам алоҳида об-ҳаво билан кириб келган шахсдир. Бобургача бўлган шеърятимиз табиатига анъанавийлик, бир хиллик хос эди. Бобур шеърлятида шахсий дард, кайфият ярқ этиб кўзга ташлана бошлади. Ғазал жанри, умуман, девон шеърляти Навоий ва Бобур ижодига фақат ишқий мавзуда ёзиб келинган. Бу ҳолни Абдурауф Фитрат ҳам ўз изланишларида Лутфий, Атойилар, асосан, сарой базмларида соқийлик қилган гўзалларнинг кўз, қошларини васф этганларини таъкидлаб ўтади.¹ Бундан кўринадики, улар ҳаётнинг ижтимоий томонларини қаламга олишни шеърятнинг вазифаси, деб билмаганлар.

Адабиёт майдонига бири вазир, бири шоҳ бўлган фаолият кишилари кириб келиши билан, туркий ғазал ва бошқа шеър жанрлар мавзу жиҳатидан янгиланди, бойиди. Улар шеърятга ижтимоий нафас олиб кирдилар. Албатта, бу билан Лутфийлар авлоди ёзган ишқий ғазаллар ижтимоийликдан холи эди, деб ҳам бўлмади. Чунки улар теурийлар даври сарой базмлари манзарасини бир қадар очиб беради. Адабиётшунос олим Д.Қуронов бадий адабиёт ҳам ижтимоий онг,

¹ А.Фитрат. Танланган асарлар. II жилд, Т., «Маънавият», 2000, 41-бет.